

Жўрабек СОДИҚОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
II курс магистранти



ИМОМ МОТУРИДИЙ

Буюк бобокалонимиз Имом Мотуридий ислом дунёсининг шарқий минтақасида дунёга келган. Маълумки, ислом давлатининг шарқий қисми Аббосийлар халифалиги салтанатига мустаҳкам боғланмаган эди. Халифа Мутаваккил вафотидан сўнг кўплаб ўлкалар Аббосийлар халифалиги салтанатидан мустақилликка чиқдилар. Шарқий ўлкалар ҳам шулар жумласидан бўлиб, Мовароуннаҳр диёридаги Сомонийлар давлати ана шундай вазиятда вужудга келди.

Сомонийлар давлати 261/875 йилга келиб Аббосийлар халифалигидан тўлиқ мустақилликни қўлга киритди ва уларнинг ҳукмронлиги 389/999 йилгача давом этиб, айти шу йили мазкур давлат бир томондан Сабуктегин оиласи, иккинчи томондан Турк ҳоконлиги таъсири остида барҳам топди.

Мотуридия таълимотининг асосчиси Абу Мансур Мотуридий милодий XI асрнинг ўрталарида Самарқанднинг Матурид қишлоғида дунёга келди. У туғилган даврда Мовароуннаҳр диёри Аббосийлар халифалигига қарашли эди. XI асрнинг иккинчи ярмида мустақил давлат сифатида ажралиб чиққач, Сомоний-

лар сулоласи қўлига ўтди. Аббосийлар ҳукмронлиги остидаги ғарбий марказлардан қувилган хорижийлар, мўътазиллийлар, муржийлар, зайдийлар каби кўплаб сиёсий, ақидавий мазҳаблар ўз ғояларини қайси бир давлатнинг марказий бошқаруви заиф бўлса ўша ерда тарқатишга интиладилар¹.

Ибн Асир Сомонийлар давлати ҳақида дейди: «Катта жойни ўз ичига қамраб, ўраб туради ... ва бу давлат шуҳратли ва адолатпарвар эди», – деб ёзади.

Ибн Халикон давлат бошлиқларига баҳо бериб дейди: «Сомоний ҳукмдорларига келсак, улар Мовароуннаҳр ва Хуросон султонлари эдилар. Обрў-эътиборлари юқори бўлиб, ким тахтга ўтирса, унга «султонлар султони» деб мурожаат қилинар эди. Бундан бўлак ном билан аталмас эди ва бу улар учун белги сингари бўлиб қолди. Улар устида адолат, дин ва илм устувор турар эди»².

Сомоний ҳукмдорлар илмга ва илм аҳлига ғоят катта эътибор қаратиб,

¹ Sönmez Kutlu. İmam Maturidi ve Maturidilik. Ankara: Kitabiyat, 1998. –Б. 17.

² Доктор Аҳмад ибн Авзуллоҳ ал-Харбий. «Ал-Мотуридия». Дар ас-Самий . – Ар-Риёд. 2000. –Б. 87.

олимларни ўзларининг яқинларига олдидилар. Умумий ва махсус кутубхоналар барпо қилдилар. Кутубхоналарнинг энг йириги Марв шаҳрида эди. Бу ўлкада ҳадис, фикҳ, луғат, калом соҳаларида машҳур олимлар айна шу вақт оралиғида етишиб чиқдилар.

Мотуридий ўз таълимоти анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожланишига катта улуш қўшди. Илоҳиёт илмлари тўла шаклланиб камол топишига хизмат қилди. Уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум бир тизимга солишдек улкан ишни амалга оширди. У ишлаб чиққан таълимот ислом динининг буюк ақидавий оқимларидан бири сифатида танилди.

Машҳур турк олими Тошқуброзоданинг таъкидлашича: «Аҳли сунна вал жамоа»да калом илми раислари икки киши бўлиб, улардан бири Ҳанафий, иккинчиси Шофиъийдир. Ҳанафий Абу Мансур ал-Мотуридий, Шофиъий эса Абул Ҳасан Ашъарийдир.

У киши ёшликлариданоқ кучли салоҳияти билан устозларининг меҳрини қозонади. Шу боисдан у кишининг устозлари Абу Наср Иёзий Абу Мансур илмий мажлисга келгунларига қадар гап бошламас, ҳар гал Абу Мансурни узоқдан кўрганларида унга ажабланиб боқар ва Қуръони каримнинг «Қасос» сураси 68-оятни ўқирдилар: «Парвардигорингиз ўзи хоҳлаган нарсани яратур (ва ўзи хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур»³.

Манбаларга таяниб қуйидаги олимларни у зотнинг устозлари сифатида кўрсатиш мумкин:

³ Аловуддин Мансур. Қуръони карим. –Т.: Чўлпон, 1991. –Б. 282.

1. Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий. Рай шаҳри ҳақида нақл қилинишича, Муҳаммад ибн Муқотил Розий Райдаги ҳанафийлик мазҳаби имоми бўлиб, фикҳда кўзга кўринган, олимлардан эди. Муҳаммад ибн Аюбнинг ривоят қилинишича, 249/862 йил вафот этган⁴;

2. Абу Наср Иёзий, тўлиқ исми: Аҳмад ибн Аббос ибн Хусаин ибн Ғолиб ибн Жобир ибн Навфал ибн Иёз ибн Яҳё ибн Қайз ибн Саъд ибн Убода Ансорий Самарқандий Абу Наср Иёз. У киши Абу Бакр Аҳмад Ибн Исҳоқ Жузжонийдан фикҳдан сабоқ олди. Сўнгра бир гуруҳ кишилар ундан таҳсил олишди. Улар орасида икки ўғли Абу Бакр Муҳаммад ва Абу Аҳмад ҳам бор эди. Идрисий у зот ҳақида «Тарих ас-Самарқанд» китобида зикр қилиб: «У зот илм ва жиҳот аҳлидан эди» дейди, лекин у ҳақда бирор ривоят келтириб ўтмайди. У зотни кофирлар асир қилиб, Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Асад ибн Самъон даврида Турк дёрида қатл этишади.

3. Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (в 268/881). У «Усул ад-дин» ва «Фуруъ»да ҳам юқори даражадаги олим эди⁵. Абу Бакр ал-Жузжоний Самарқанддаги ҳанафий мактабининг ривожига катта ҳисса қўшган олимдир. Насафийнинг маълумотига кўра, Абу Бакр аввал Самарқанддан узоқда Абу Сулаймон Жузжонийдан таҳсил олган, сўнгра олган билимларини ёйиш мақсадида Мовароуннаҳр марказига келган⁶. У кишининг «Ал-фарқ ва ат-Таъмиз», «Тавба» каби китоблари мавжуд;

4. Наср ибн Яҳё Балхид (в 268/881). У Абу Сулаймон Жузжоний, Абу Муқотил

⁴ Имом ал-Мотуридий. Китаб ат-Тавҳид. – Коҳира. Дор ал-жамят ал-мисрия, 1980. –Б. 3.

⁵ Доктор Аҳмад ибн Авзуллоҳ ал-Харбий. «Ал-Мотуридия». Дар ас-Самий. –Ар-Риёд. 2000. –Б. 102.

⁶ Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. –Б. 148.

Ҳафс ибн Муслим Самарқандийдан таҳсил олган. У киши ҳақида бошқа маълумот мавжуд эмас.

Мотуридий даврида ва ундан кейинги вақтларда ҳам алломанинг асарлари ва фикрларини тарғиб этадиган шогирдлари ва давомчилари кўп бўлган. Мотуридий ақоид илмида ўзига хос мактабга асос солди. Ушбу ғоя Мовароуннаҳр ва унга қўшни бўлган минтақаларга ёйилди. Абу Муъин Насафийнинг айтишича: «Бу мазҳабда Бухоро ва барча Мовароуннаҳр диёридан уруш чегарасида турган ерларига қадар, шунингдек, Марв ва Балх шаҳарлари шу таркибда бўлган».

Мотуридийлик ақидавий йўналиши вақт ўтган сари кенг қулоч ёзди, хусусан, усмонийлар ҳукмронлиги даврида бу ақидавий мазҳаб тарафдорлари кўпайди. Қуйида Мотуридийнинг шогирдлари ҳақида қисқача маълумот келтирилади:

1. Абул Қосим Ҳаким Самарқандий. У тасаввуф илмини Балх шайхларидан, фикҳ ва каломни Мотуридийдан ўрганади. Абул Қосим Ҳаким Самарқандий Мотуридийнинг кўзга кўринган шогирдларидан ҳисобланган. Самарқанд шаҳрида узоқ муддат қози лавозимида ишлаб, «Ҳаким» (Доно) лақабини олади⁷. Абу Муъин Насафийнинг айтишича, 335/948 йил вафот этган ва Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган⁸. Ҳаким Самарқандийнинг «Саод ал-Аъзам» асари Мотуридияда катта қийматга эга асар ҳисобланади. Шунингдек, имон ҳақида «Рисалату фий баян анна ал-иман жузун мин ал-аман» номли кичик рисола яратган⁹;

⁷ Доктор Аҳмад ибн Авзуллоҳ ал-Харбий. «Ал-Мотуридия». Дар ас-Самий . –Ар-Риёд. 2000. –Б. 104.

⁸ Абул Муъин ан-Насафий. Табсиратул адилла. –Байрут: Дарул-кутубил илмийя. 1982. –Б. 222. (Бундан кейин: Табсирату-л-адилла)

⁹ Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. –Т.: ТИУ, 2006. –Б. 7-8.

2. Абул Ҳасан Али ибн Саъид Рустаффоний (в. тахм 350/960). Нисбасидан маълум бўлишича, олим Самарқанддаги қишлоқлардан бирида туғилган¹⁰. Ёзган асарлари: «Ришад ал-муҳтадид», «Азавайд ва-л Фавайд фий-Анваъ ал-Улум», «Асилату ва-л Ажвиба», «Баян ас- сунна ва-л жамоа»;

3. Абу Аҳмад ибн Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёзий. Бу киши Мотуридий-

¹⁰ Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. –Б. 155.



нинг устози Абу Наср Иёзийнинг ўғлидир¹¹. Ҳаким Самарқандий шундай деган: «Хуросон ва Мовароуннаҳрда 100 йилдан бери илмда, фикҳда, тилшуносликда, баёнда, тақвода, иффатда фақиҳ Абу Аҳмад Иёзий сингари киши чиқмаган»¹²;

4. Абу Муҳаммад Абдул Карим Паздавий. Паздавий нисбаси Бухоро йўли-

¹¹ Доктор Аҳмад ибн Авзуллоҳ ал-Харбий. «Ал-Мотуридия». Дар ас-Самий . – Ар-Риёд. 2000. –Б. 107.

¹² Абул Муъин ан-Насафий. Табсиратул адилла. –Байрут: Дарул-кутуб ал-илмия. 1982.–Б. 220.

даги Пазда қишлоғига нисбатдир. Абу Мансур ал-Мотуридийдан таълим олади. У кишига «Фахр ал-ислам» деган ном берилган. Шу билан бир қаторда, асарларини тушуниш қийин бўлгани сабабли «Абул-Уср» лақаби ҳам берилган. Қурашийнинг айтишича, 390 йили Рамазон ойида вафот этган.

Мотуридия йўналишининг машҳур олимлари:

1. Абу Юсуф Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид Паздавий (421/1035 – 493/1105);

2. Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мўътамид ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Макҳул ибн Аби Фазл, Абу Муъин Насафий (438/1052 – 508/1120);

3. Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон Ҳанафий Насафий (462/1076 – 537/1145);

4. Аҳмад ибн Абу Бакр Собуний Бухорий (вафоти 580/1186 йил);

5. Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳамид ибн Абдулҳамид ибн Масъуд ибн Ҳамидиддин ибн Саъдиддин Сувайси Асир Искандарий (790/1402 – 861/1470);

6. Али ибн Султон Ҳиравий Қорий ал-Маккий ал-Ҳанафий (вафоти 1101/1630 йил).

Юқоридаги олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан мотуридийлик бутун ислом оламига кенг ёйилди. Имом Мотуридий асарларига юзлаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилди. Натижада мотуридийлик аҳли сунна ақидасининг асоси ҳисобланмиш икки ақидавий мазҳабдан бири сифатида тан олинди.